

COMPARATIVE POETICS OF THE TEST MOTIVE IN KARAKALPAK, TURKMAN AND ENGLISH FOLK TALES

Gailieva Ogulbay Kurbanmuradovna

Doctor of Philology, Professor

gaylieva.77@mail.ru

Orcid: 0000 0003-2544-6191

Jaumitbaeva Periizat Karamatdinovna

Assistant

perizatjaumitbaeva@gmail.com

Orcid.0009-0008-6069-3984

Abstract

The article analyzes the tasks of the test motif in Karakalpak, Turkmen and English folk tales to develop the plot, reveal the character of the hero and express the moral idea of the work from a comparative and poetic perspective. It was found that the test manifests itself in the form of a mental task, social injustice, moral choice and magical obstacle. The comparative analysis showed that the test motif reveals the inner possibilities of the hero in all three folklore traditions, but its form, means and artistic result differ due to the influence of national life and moral values.

Keywords: Folk tale, trial motif, comparative poetics, hero, mental test, moral choice, magic test, social justice.

Introduction

ҚОРАҚАЛПОҚ, ТУРКМАН ВА ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАҚЛАРИДА СИНОВ МОТИВИНИНГ ҚИЁСИЙ ПОЭТИКАСИ

Гайлиева Огулбай Курбанмурадовна

Филология илимлерининг докторы, профессор

gaylieva.77@mail.ru

Orcid: 0000 0003-2544-6191

Жаумитбаева Перийзат Караматдиновна ассистент

perizatjaumitbaeva@gmail.com

Orcid.0009-0008-6069-3984

Аннотация

Мақолада қорақалпоқ, туркман ва инглиз халқ эртакларида синов мотивининг сюжетни ривожлантириш, қахрамон характери очиш ва асарнинг ахлоқий ғоясини ифодалаш вазифалари қиёсий-поэтик жиҳатдан таҳлил қилинди. Синовнинг ақлий топшириқ, ижтимоий адолатсизлик, ахлоқий танлов ва сеҳрли тўсиқ шаклларида намоён бўлиши аниқланди. Қиёсий таҳлил синов мотиви ҳар учала фольклор анъанасида қахрамоннинг ички имкониятларини юзага чиқариши, бироқ унинг шакли, воситалари ва бадиий натижаси миллий турмуш ҳамда ахлоқий қадриятлар таъсирида фарқланишини кўрсатди.

Калит сўзлар: халқ эртаги, синов мотиви, қиёсий поэтика, қахрамон, ақлий синов, ахлоқий танлов, сеҳрли синов, ижтимоий адолат.

Халқ эртакларида қахрамоннинг мақсадга эришиши одатда муайян тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғланади. Эртақ қахрамони йўлга чиқади, топшириқ олади, душман билан тўқнашади, сирни очади ёки мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топади. Ана шу жараёнлар синов мотивининг турли кўринишларини ташкил этади. Синов қахрамоннинг кучини текшириш билангина чекланмайди; у ақл, сабр, садоқат, ахлоқий қатъият ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ҳам намоён этади.

Мақоланинг мақсади қорақалпоқ, туркман ва инглиз халқ эртакларида синов мотивининг шакллари, сюжетдаги ўрни, қахрамон характери очиш вазифаси ҳамда миллий-бадиий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Олим Стив Томпсон мотивни анъанада сақланиш хусусиятига эга бўлган эртакнинг энг кичик мазмунли қисми сифатида таърифлайди [1, 415-6.].

Бироқ синов мотиви баъзан битта қисқа эпизоддан эмас, ўзаро боғланган бир неча воқеадан ташкил топади. Масалан, қахрамонга топшириқ берилиши, уни бажариш жараёнида тўсиқ пайдо бўлиши ва натижанинг баҳоланиши биргаликда яхлит синов ҳолатини ҳосил қилади.

Синовни оддий қийинчиликдан фарқлаш зарур. Ҳар қандай оғир воқеа синов мотивини ташкил этмайди. Қийинчилик синовга айланиши учун у қахрамондан танлов, ҳаракат ёки маънавий муносабат талаб қилиши лозим. Қахрамоннинг қандай қарор қабул қилиши ва бу қарор унинг кейинги тақдирига қандай таъсир кўрсатиши синов мотивининг асосий белгисидир.

Тадқиқотчи Алгирдас Жюльен Греймас ҳикоя иштирокчиларини ташқи белгиларига эмас, воқеа давомида бажарадиган вазифасига кўра ўрганишни таклиф этади. Унинг назариясида қахрамон мақсадга интилувчи шахс бўлиб, бошқа персонажлар унга ёрдам беради ёки тўсқинлик қилади [2, 197–221-б.].

Мазкур ёндашув синов мотивини қахрамон, ёрдамчи, қаршилик кўрсатувчи куч ва эришилиши лозим бўлган мақсад муносабатида таҳлил қилиш имконини беради.

Олим Бенгт Холбек эса эртақдаги сеҳрли ҳодисаларни ҳаётий ва ижтимоий муносабатларнинг бадиий ифодаси сифатида талқин қилади. Унингча, қахрамоннинг

ташки қиёфаси ёки мавқеидаги ўзгариш кўпинча унинг ички камолоти ва жамиятдаги ўрни ўзгарганини билдиради [3, 405–443-б.].

Эртақда синов мотиви бир нечта вазифани бажаради. Биринчидан, у воқеалар ҳаракатини тезлаштиради. Синов пайдо бўлгунга қадар қаҳрамоннинг ҳақиқий қобилияти кўпинча яширин ҳолда қолади. Топшириқ ёки хавф уни ҳаракатга киритади. Иккинчидан, синов персонажлар ўртасидаги ахлоқий фарқни очиб беради. Бир хил вазиятда бири садоқат, иккинчиси хиёнат, яна бири жасорат ёки қўрқоқлик кўрсатиши мумкин. Шу сабабли синов қаҳрамонни баҳолаш воситаси ҳамдир.

Учинчидан, синов қаҳрамоннинг ҳолатини ўзгартиради. У синовдан аввал тажрибасиз, тан олинмаган ёки ҳуқуқсиз бўлиши, ундан кейин эса ақлли маслаҳатчи, қутқарувчи ёки ҳукмдор даражасига кўтарилиши мумкин.

Тўртинчидан, синов асарнинг ахлоқий ғоясини воқеалар орқали ифодалайди. Эртақ яхшилик, садоқат ёки адолат ҳақида тўғридан-тўғри панд бериш билан чекланмайди. Бу қадриятларни қаҳрамоннинг мураккаб вазиятдаги ҳаракати орқали кўрсатади.

Қорақалпоқ фольклорида «Ақиллы қатын» эртагида синов ғайриоддий душман ёки сеҳрли топшириқ шаклида эмас, балки ота насиҳатининг маъносини тўғри англаш орқали юзага келади. Ота ўлиmidан олдин ўғлига уч насиҳат беради: ўзидан каттанинг қуйисида, кичикнинг юқорисида ўтириш; кам сўзлаш; ҳафтада бир марта янги кийим кийиш [4, 256-б.].

Ўғил насиҳатларни сўзма-сўз тушунади. Катта кишининг қуйисида ўтиришни паст жойга жойлашиш, «катта гапириш»ни баланд овозда сўзлаш, ҳар ҳафта янги кийим кийишни эса доим янги либос сотиб олиш деб билади. Натижада у бор мол-мулкни совуриб, атрофдагиларга масхара бўлади [4, 256–257-б.].

Ушбу эпизодда синовнинг биринчи босқичи — маънони нотўғри тушунишдир. Қаҳрамон насиҳат шаклини эслаб қолади, аммо унинг ҳаётий мазмунини англай олмайди. Демак, эртақда билимни ёдлаш билан уни амалда тўғри қўллаш ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

Мушкул аҳволга тушган йигит хотинидан ёрдам сўрайди. Хотин унга:

«Сен атаңның берген нәсиятын түсинбей, көп ақылсызлық еттиң» [4, 257-б.],

дея насиҳатларнинг ҳақиқий мазмунини шарҳлайди.

«Каттанинг қуйисида ўтириш» — ёши улуг одамни ҳурмат қилиш, «кичикнинг юқорисида ўтириш» — ўз қадрини сақлаш, «кам сўзлаш» — ўринсиз гапдан тийилиш, ҳафтада янги кийим кийиш эса бор кийимни тоза ва эҳтиёт сақлашни англатади. Шундай қилиб, хотин синов ечимини тайёр жавоб сифатида эмас, ҳаётий тажрибага асосланган талқин сифатида тақдим этади.

Эртақнинг кейинги қисмида синов назарий тушунишдан амалий ҳаракатга ўтади. Хотиннинг маслаҳати билан йигит карвон йўлида чойхона очади. Йўловчилар билан муносабат ўрнатиш, вазиятни кузатиш ва топилган имкониятдан тўғри фойдаланиш орқали хўжалик қайта тикланади [4, 257–260-б.].

Қорақалпоқ эртагида синовнинг уч босқичи кўринади: а) насиҳатни эшитиш; б) унинг маъносини англаш; в) англаган маънони турмушда қўллаш.

Демак, синовдан ўтиш фақат тўғри жавобни билиш эмас, билимни амалий натижага айлантириш билан белгиланади. Эртакининг «Ақыллы қатын» деб аталиши ҳам воқеалар ечимини таъминлаган ақлий фаолликка урғу беради. Синов бир персонаж бошидан кечирган қийинчилик бўлса-да, унинг ечими бошқа қаҳрамоннинг ақли ва ҳаётий тажрибаси орқали топилади.

Туркман фольклорида «Maksadyna ýeten gyz» эртагида синов мотиви бир эпизод билан чекланмайди. Қаҳрамон бир-биридан оғир ижтимоий, жисмоний ва ахлоқий тўсиқларни бошдан кечирилади. Шунинг учун мазкур асарда синовлар кетма-кетлиги қаҳрамон тақдирининг асосий қурилиш усулига айланган.

Эртақда бой киши жиянининг хотинига кўз олайтиради. Аёл унинг ниятини рад этгач, бой ёлғон гувоҳлар ёрдамида унга тухмат қилади. Подшо ҳақиқатни текширмасдан, аёлни тошбўрон қилишга ҳукм этади [5, 149–152-б.]. Бу ерда синовнинг манбаи сеҳрли куч эмас, балки ижтимоий адолатсизликдир. Қаҳрамоннинг айби йўқ, аммо жамиятдаги сохта гувоҳлик ва ҳукмдорнинг шошма-шошарлиги уни жабрланувчига айлантиради.

Тошбўрондан тирик қолган қаҳрамон бошқа хонадонда паноҳ топади. Лекин бу ерда ҳам у янги тухматга учрайди. Кейин унга берилган қирқ тилла билан йўлга чиқар экан, ўлимга ҳукм қилинган ўғрини кўриб, барча пулини уни қутқаришга сарфлайди:

«Gelniň ogra ýüregi awar, ýanyndaky kyrk tyllasyny jellatlara eltip berip, ogryny ölümden halas eden» [5, 153-б.].

Бу эпизод қаҳрамоннинг ахлоқий синовидир. У ўзи оғир аҳволда бўлишига қарамасдан, бошқа инсоннинг ҳаётини шахсий манфаатидан устун қўяди. Бироқ қутқарилган ўғри унинг яхшилигига хиёнат билан жавоб бериб, қаҳрамонни чўри сифатида сотади [5, 153–154-б.].

Синовнинг бундай тузилиши «яхшилиқ дарҳол мукофотланади» деган содда қолипни бузади. Қаҳрамон яхшилиқ қилган заҳоти мукофот олмайди; аксинча, яна бир кулфатга дуч келади. Бу эса унинг эзгулиги манфаат учун эмас, ички ахлоқий ишонч асосида амалга оширилганини кўрсатади.

Кема ҳалокатидан омон қолган қаҳрамон эркак кийимини кийиб, ўзини Эсен деб таништиради. Кейин шаҳар одатига мувофиқ подшо қилиб сайланади:

«Ony patyşanyň köşgüne eltip, şanyň lybasyny geýdirip, tagtda oturtdylar... Ahyrda gelin adyl patyşa bolupdyr» [5, 154–155-б.].

Қаҳрамон қиёфасининг ўзгариши унинг ижтимоий мавқеи ўзгарганини ҳам билдиради. Илгари унинг сўзи эшитилмаган бўлса, энди у халқнинг арзу додини тинглайдиган, адолат ўрнатадиган ҳукмдорга айланади. Бошидан кечирган зулм унга бошқаларнинг дардини англаш тажрибасини беради.

Эртакининг ҳал қилувчи синови қаҳрамон ҳокимиятга эришганидан кейин юзага келади. Унга ёмонлик қилган кишилар унинг ҳузурига келиб, ўз гуноҳларини тан оладилар. Қаҳрамон уларни жазолаш имконига эга бўлади.

Аммо эри айбдорларни ўлимга ҳукм қилишни таклиф этганда, у:

«Ýok, olar bilen deň bolma» [5, 159-б.], деб жавоб беради.

Шу нуқтада синовнинг мазмуни ўзгаради: дастлаб қаҳрамон зулмга бардош бериши керак бўлган бўлса, энди у ҳокимиятдан қандай фойдаланишни танлаши лозим. Қасос олишдан воз кечиши унинг ахлоқий ғалабасини ифодалайди. Демак, энг катта синов ҳокимиятни эгаллаш эмас, уни адолат билан бошқаришдир.

Туркман фольклоридаги эртақда синовлар қуйидаги босқичлардан ташкил топади: а) тухмат олдида ҳақиқатни ҳимоя қилиш; б) жисмоний ҳалокатдан омон қолиш; в) яхшилик ва шахсий манфаат ўртасида танлов қилиш; г) хиёнатга қарамасдан инсонийликни сақлаш; д) ҳокимиятга эришгач, қасосдан воз кечиш.

Ушбу босқичлар қаҳрамоннинг жабрланувчидан адолатли ҳукмдорга айланишини таъминлайди.

Инглиз фольклорида «Kate Crackernuts» эртагида синов мотиви оилавий рақобат, садоқат ва сеҳрли макон билан боғлиқ. Қиролнинг қизи Энн гўзаллиги сабабли ўғай онасининг рашиқига дуч келади. Жоду натижасида унинг боши қўй бошига айлантирилади. Аммо Кейт ўғай синглисидан юз ўгирмайди:

“Her own daughter, Kate, however, took a fine linen cloth and wrapped it round her sister’s head and took her by the hand” [6, 207-6.].

Кейтнинг биринчи синови — онаси билан синглиси ўртасида танлов қилиш. У қариндошлик манфаати ёки ташқи гўзалликни эмас, жабрланган инсонга садоқатни танлайди. Шунинг учун унинг уйдан чиқиши оддий сафар эмас, ахлоқий қарорнинг натижасидир.

Кейт Энн билан бирга қасрга келади. У ерда қиролнинг ўғли сирли касалликка чалинган бўлиб, уни кечаси кузатган одамлар қайтиб келмайди. Кейт хавфни билган ҳолда шаҳзода ёнида қолишга рози бўлади [6, 207–208-б.]. Бу эпизодда қаҳрамоннинг жасорати унинг хавфдан беҳабарлигида эмас, хавф мавжудлигини англаб туриб ҳаракат қилишда намоён бўлади.

Тунда шаҳзода яширинча сеҳрли тепаликка боради. Кейт унинг ортидан эргашиб, парилар мажлисини кузатади. У воқеаларга дарҳол аралашмайди; аввал сирни ўрганади. Демак, синовни енгишда жасорат билан бирга кузатувчанлик ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Иккинчи тунда Кейт пари боласи ўйнаётган таёқчанинг Эннни аввалги ҳолига қайтаришини эшитиб қолади. У ёнғокларни думалатиб, болани чалғитади ва сеҳрли таёқчани қўлга киритади. Таёқча билан Эннга уч марта тегиши натижасида қўй боши тушиб, унинг инсон қиёфаси тикланади [6, 209–210-б.].

Учинчи тунда Кейт касал шаҳзодани даволайдиган қуш ҳақидаги сирни билиб олади. У қушни қўлга киритиб, пиширади ва шаҳзодага уч марта едиради:

“She gave him a third bite, and he rose hale and strong” [6, 211-б.].

Уч қарра такрор синовнинг босқичма-босқич бажарилишини кучайтиради. Биринчи тишлам шаҳзодани тирсагига қўтаради, иккинчиси ўтиришга, учинчиси бутунлай соғайишга олиб келади. Такрор фақат безак эмас, натижанинг аста-секин юзага келишини кўрсатувчи композицион воситадир.

Кейт бир вақтнинг ўзида икки вазифани бажаради: синглисини сеҳрдан, шаҳзодани касалликдан қутқаради. У тайёр ёрдамни қабул қилмайди; сеҳрли билимни

кузатиш, эшитиш ва топқирлик орқали ўзи эгаллайди. Шу сабабли эртақда қаҳрамон муваффақияти сеҳрли буюмдан кўра ундан фойдаланиш усули билан белгиланади.

Таҳлил қилинган эртақларда синов мотиви уч хил асосий кўринишда намоён бўлади.

Қорақалпоқ фольклоридаги «Ақыллы қатын» эртагида синов ақлий-амалий хусусиятга эга. Муаммони ҳал қилиш учун сеҳрли восита эмас, насиҳатнинг яширин маъносини тушуниш ва уни турмушда қўллаш талаб қилинади.

Туркман фольклоридаги «Maksadyna ýeten gyz» эртагида синов ижтимоий-ахлоқий мазмун касб этади. Қаҳрамон тухмат, жазо, сотилиш ва хиёнатдан ўтиб, инсонпарварлигини сақлаб қолади. Унинг энг муҳим ғалабаси душманларни енгиши эмас, қасос олиш имконияти бўлган пайтда адолатни танлашидир.

Инглиз фольклоридаги «Kate Crackernuts» эртагида синов сеҳрли ва қутқарувчилик хусусиятига эга. Қаҳрамон сирли маконга кириб, ғайриоддий кучларнинг қондасини билиб олади ва сеҳрли воситалардан яқинларини қутқариш мақсадида фойдаланади.

Қиёсий таҳлилларни жадвалда келтирамиз.

Қиёс мезони	«Ақыллы қатын»	«Maksadyna ýeten gyz»	«Kate Crackernuts»
Синовнинг асосий шакли	Ақлий ва амалий	Ижтимоий ва ахлоқий	Сеҳрли ва қутқарувчилик
Синов манбаи	Насиҳат маъносини англамаслик	Тухмат, зўравонлик ва хиёнат	Жоду ва парилар олами
Ечим воситаси	Тўғри талқин ва тадбиркорлик	Сабр, адолат ва кечириш	Жасорат, кузатувчанлик ва топқирлик
Қаҳрамондаги ўзгариш	Маслаҳатчининг мавқеи тан олинади	Жабрланувчи ҳукмдорга айланади	Ҳамроҳ қутқарувчига айланади
Натижа	Оила фаровонлиги тикланади	Ҳақиқат ва ижтимоий адолат қарор топади	Сеҳр бартараф этилиб, соғайиш юз беради

Қиёсий таҳлиллардан келиб чиқиб, умумийлик шундаки, уч эртақда ҳам қаҳрамон синовни тасодифан эмас, ақлли ва мақсадли ҳаракат орқали енғади. Фарқ эса синовнинг қайси ҳаётий соҳада намоён бўлишидадир.

Синов мотивининг асосий поэтик вазифаси қаҳрамонни тайёр ҳолда кўрсатиш эмас, уни воқеалар давомида шакллантиришдир. Қаҳрамоннинг фазилати синовдан аввал фақат имконият сифатида мавжуд бўлади. Унинг ақли, садоқати ёки адолатпарварлиги мураккаб вазиятдаги ҳаракатидан кейингина тасдиқланади.

Қорақалпоқ фольклоридаги «Ақыллы қатын»да ақл маслаҳат ва амалий тадбир орқали намоён бўлади. Туркман фольклоридаги «Maksadyna ýeten gyz»да ахлоқий

етуклик кулфатларга бардош бериш ва қасосдан воз кечиш жараёнида шаклланади. Инглиз фольклоридаги «Kate Crackernuts»да эса садоқат сеҳрли хавфни енгиб, бошқаларни қутқариш даражасига кўтарилади.

Шу нуқтаи назардан синов қаҳрамоннинг ички белгиларини ташқи ҳаракатга айлантиради. Ақл — тўғри қарорда, сабр — кулфатни енгишда, садоқат — яқин инсонни ташлаб кетмасликда, адолат эса ҳокимиятдан тўғри фойдаланишда кўринади.

Синовнинг натижаси кўпинча мукофот билан якунланади. Лекин мукофотни фақат олтин, тахт ёки никоҳ деб тушуниш унинг мазмунини торайтиради. Мукофот қаҳрамоннинг ҳақлиги тан олинishi ва ҳаётида янги тартиб ўрнатилишини ҳам англатади.

Қорақалпоқ фольклоридаги «Ақыллы қатын»да мукофот оилавий фаровонликнинг тикланиши ва ақлли маслаҳатнинг қадрланишидир. Туркман фольклоридаги «Maksadyna ýeten gyz»да қаҳрамон ҳокимиятга эришиб, ҳақиқатни юзага чиқаради. Инглиз фольклоридаги «Kate Crackernuts»да Энннинг қиёфаси ва шаҳзоданинг соғлиғи тикланади.

Мукофот синовдан ташқаридаги тасодифий совға эмас. У синов жараёнида намоён бўлган фазилатга мос келади:

- а) ақл — фаровонликка;
- б) адолат — ижтимоий эътирофга;
- в) садоқат — қутқарув ва бахтли хотимага олиб келади.

Шунинг учун мукофот синов мотивининг бадий натижаси ва халқнинг ахлоқий баҳоси вазифасини бажаради.

Қорақалпоқ, туркман ва англиз эртакларидаги синов мотивининг умумийлиги қаҳрамоннинг одатий ҳолатдан чиқиши, тўсиққа дуч келиши, қарор қабул қилиши ва натижага эришишида кўринади. Бу — синов мотивининг барқарор сюжет асосидир.

Миллий хусусиятлар эса синовнинг мазмуни ва ечим воситасида намоён бўлади. Қорақалпоқ эртагида оила ҳўжалиги, катта-кичик муносабати ва насиҳат маданияти муҳим ўрин тутди. Туркман эртагида қариндошлик муносабатлари, шариат ҳукми, карвон йўли, чўрилик ва подшолик билан боғлиқ ижтимоий муҳит кенг ёритилади. Инглиз эртагида эса қаср, сеҳрли тепалик, парилар рақси ва ғайриоддий шифо воситалари асосий бадий маконни ташкил қилади.

Демак, синов мотивининг умумий тузилиши миллий ўзига хосликни йўқотмайди. Аксинча, ҳар бир халқ синовнинг умумий моделини ўз турмуш тарзи, бадий тасаввури ва ахлоқий қадриятларига мувофиқ қайта шакллантиради.

Қорақалпоқ, туркман ва англиз халқ эртақларининг қиёсий таҳлили синов мотиви сюжетни ҳаракатга келтирувчи, қаҳрамон характериини очувчи ва асарнинг ахлоқий ғоясини ифодаловчи асосий поэтик воситалардан бири эканини кўрсатди.

Қорақалпоқ фольклорида «Ақыллы қатын» эртагида синов насиҳатнинг яширин маъносини англаш ва билимни амалий ҳаракатга айлантириш орқали ечилади. Туркман фольклорида «Maksadyna ýeten gyz»да синовлар кетма-кетлиги қаҳрамонни жабрланувчидан адолатли ҳукмдорга айлантиради. Инглиз фольклорида «Kate

Crackernuts»да эса синов садоқат, жасорат ва сеҳрли сирни эгаллаш орқали яқин инсонларни кутқариш вазифасини бажаради.

Синов шакллари турлича бўлса-да, уларни бирлаштирувчи асосий белги қаҳрамоннинг фаоллигидир. Қаҳрамон муаммонинг ўз-ўзидан ҳал бўлишини кутмайди; вазиятни англайди, қарор қабул қилади ва натижа учун масъулиятни зиммасига олади. Шу сабабли синов мотиви қаҳрамон камолотининг оддий белгиси эмас, балки унинг ақлий, ахлоқий ва ижтимоий имкониятларини ҳаракатда намоён этувчи поэтик механизмдир.

Қиёсий таҳлилларимиздан келиб чиқиб, синов мотивининг умумий тузилиши билан миллий мазмунини биргаликда ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Умумийлик сюжет вазифаларида, миллий ўзига хослик эса синов манбаи, уни енгиш воситаси, бадиий макон ва натижанинг мазмунида намоён бўлади.

Адабиётлар

- [1] S. Thompson, *The Folktale*. New York, NY, USA: The Dryden Press, 1946, pp. 415–416. [Online]. Available: Internet Archive.
- [2] A. J. Greimas, *Structural Semantics: An Attempt at a Method*, D. McDowell, R. Schleifer, and A. Velie, Trans. Lincoln, NE, USA: University of Nebraska Press, 1983, pp. 197–221. [Online]. Available: Internet Archive.
- [3] B. Holbek, *Interpretation of Fairy Tales: Danish Folklore in a European Perspective*, FF Communications, no. 239. Helsinki, Finland: Academia Scientiarum Fennica, 1987, pp. 405–443.
- [4] Қ. Мәмбетназаров, туз., “Ақыллы қатын,” *Қарақалпақ фольклоры: Қарақалпақ халық ертеклери*, кўп томлик, 1-том. Нөкис: Қарақалпақстан, 1977, 256–260-б.
- [5] Ш. Гелдиева, чапа тайёрловчи, “Maksadyna ýeten gyz,” *Türkmen halk ertekileri: Durmuşy ertekiler*. Aşgabat: Türkmenistanyň Milli medeniýet «Miras» merkezi, 2006, 148–160-б.
- [6] J. Jacobs, “Kate Crackernuts,” in *English Fairy Tales*. London, U.K.: David Nutt, 1890, pp. 207–211.